



# Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

http://xs.uz

E-mail: Info@xs.uz

2013 йил 10 октябрь, № 199 (5873)

Пайшанба

## хабарлар

Янгиликлар, воқеалар

■ Оролбўйида жорий йилнинг биринчи ярмида 1296 та кичик бизнес субъекти фаолияти йўлга қўйилиши натижасида уларнинг умумий сони 20 минг 129 тага етди.

### Инвестиция ва янги иш ўринлари

Жумладан, тадбиркор Рашид Айтбаев сая-хара-кати билан Нукус шаҳрида йилга 60 тонна нон маҳсулотлари ишлаб чиқариш қувватига эга "Нукус Туран Ойлоти" шўъба корхонаси ишга туширилди. Ун тўрт киши иш билан таъминланган мазкур корхонада айна пайтда ойига 30 миллион сўмликдан зиёд маҳсулот ишлаб чиқарилмоқда.

— Банкнинг 150 миллион сўмлик кредити ҳисобига фаолиятимизни кенгайтириш чораларини кўраямиз, — дейди Р. Айтбаев. — Тез орада қандолатчиликни ҳам йўлга қўймоқчимиз. Ушбу лойиҳа рўёбга чиқарилиши билан ишчиларимиз сони 30 нафарга етади.

Ҳидоят АХМЕДОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

■ Касб-хунар коллежини битирган гиждунлик Сайёра Асадова банк томонидан ажратилган ўттиз миллион сўмлик кредит эвазига замонавий тикув машиналарини харид қилиб, тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйди.

### Битирувчига имтиёзли кредит

"Дилафрўз Дурдона текс" масъулияти чекланган жамияти шаклидаги мазкур корхонада айна пайтда болаларга мўлжалланган кийим-кечақлар ишлаб чиқарилмоқда. Эътиборлиси, бу ерда меҳнат қилаётган саккиз нафар қизнинг барчаси коллеж битирувчиларидир.

Айтиш керакки, вилоятда жорий йилнинг ўтган даврида банк муассасалари томонидан касб-хунар коллежлари битирувчиларининг 710 нафарига 6,5 миллиард сўмдан зиёд имтиёзли кредит ажратилди.

Истам ИБРОҲИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

■ Кенг қўламли модернизациялаш ишлари натижасида "Namangan qog'oz" масъулияти чекланган жамиятида тайёрланаётган маҳсулотлар сифати тубдан яхшиланди.

### Юқори сифатли қоғоз

Эншликда корхонада ишлаб чиқарилаётган ёзув ва офсет қоғозлари хориждан импорт сифатида келтириляётган шу турдаги маҳсулотлар билан бемалол рақобатлаша олади.

Айтиш жоизки, умумий қиймати 196 минг АҚШ долларилик мазкур лойиҳа асосида бу ердаги целлюлоза тегирмони янгиланди, хом ашёни тазаловчи қўшимча ускуналар ҳамда маҳсулот юзасига ишлов берувчи махсус машина ўрнатилди. Натижада импорт ўрнини босувчи икки томонлама силлиқланган қоғоз тайёрлаш имконияти юзгага келди.

Айна пайтда "Namangan qog'oz" да топинамбурдан целлюлоза ишлаб чиқариш орқали йилга 40 минг тонна ёзув ва офсет қоғози тайёрлашга мўлжалланган лойиҳа устида иш олиб борилмоқда.

Қудратилла НАЖМИДИНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

■ Бекобод туманидаги "Алиботир савдо инвест" масъулияти чекланган жамиятида турфа қандолат ва ун маҳсулотлари тайёрлаш ўзлаштирилганига кўп бўлгани йўқ.

### Тежамкор технология асосида

Шунга қарамай, уларга ички бозорда талаб кун сайин ортмоқда. Бу ишлаб чиқариш жараёнида сифат бошқарув тизимига эга илчам ва замонавий технологиялардан фойдаланилаётгани самарасидир.

— Хозир улар ёрдамида кунига 500 килограммдан ортқ хилма-хил ширинликлар ҳамда 8 турдаги

макарон маҳсулотлари тайёрляпмиз, — дейди корхона технология Шерзод Раҳмонов. — Яқинда корхонамиз ўз дўконига ҳам эга бўлди. Бу нафақат туманимиз ахли, балки қўшни вилоятлардаги буюртмачиларимиз учун ҳам ўзига хос қулайлик бўлди.

Ғайрат ШЕРАЛИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

■ Ҳазорасп тумани Питнак шаҳарчасида "Ҳазорасп пахта тазалаш" очик акциядорлик жамиятининг 306 миллион сўмлик маблағи эвазига мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлаш корхонаси иш бошлади.

### Истиқболли лойиҳа — қўшимча имконият

Корхона замонавий технология ва ускуналар билан жиҳозланган бўлиб, бу ерда 31 тонна қўрилган мева маҳсулотларини тайёрлашга киришилди. Ишлаб чиқариш субъектини хом ашё билан таъминлашни тумандаги мева-сабзавот етиштиришга ихтисослаштирилган фермер хўжаликлари ўз зиммасига олди.

Таъкидлаш лозимки, Хоразм вилоятида шу йилнинг ўтган ярмида янги корхоналар иш бошлаши ҳамда мавжудларида модернизациялаш ишлари амалга оширилиши ҳисобига 166 миллиард сўмлик озиқ-овқат маҳсулотлари тайёрланди.

Ойбек РАҲИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

## ОСОЙИШТАЛИГИМИЗ ПОЙДЕВОРИ

Бағрикенглик, олижаноблик, меҳр-оқибат ва ҳамжиҳатлик халқимизга хос эзгу фазилатлардир. Бундай қадриятлар, айниқса, истиқлол йилларида янада юксак чўққиларга кўтарилди. Хусусан, жаҳонда "Ўзбек модели" деб ном олган ва алоҳида эътироф этилаётган мустақил тараққиёт йўлимиз мазмун-моҳиятида ҳам ана шу тамойиллар ўз ифодасини топган.

### ■ БАҒРИКЕНГЛИК

Айтиш жоизки, миллат-катимизда барча миллат вакилларига тенг ҳуқуқли муносабат, аввало, Асосий Қонунимиз орқали қандолатчиликнинг қўллаб-қувватлаш Жамоат фонди, ушбу Фонд маблағларини бошқариш бўйича Парламент комиссияси, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти, Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси, Адлия вазирлиги ва бошқа бир қатор жамоатчилик ташкилотлари ҳамкорлигида икки кунлик семинар ташкил этилди.

Лойиҳаларнинг ижтимоий аҳамиятини ошириш, грант маблағларининг самарали ва мақсадли ишлатилишини таъминлашнинг долзарб вазифаларига бағишланган тадбирда мамлакатимизнинг барча ҳудудларидан юзга яқин ННТ раҳбарлари — Жамоат фонди

ри, ўз қизиқиш ва лаёқатлари бўйича касб-хунар эгаллашлари, маданиятлари, урф-одатлари, анъаналарини сақлаш ҳамда ривожлантиришлари учун зарур шарт-шароитлар яратиб берилган. Қолаверса, барча миллат вакиллари-нинг давлат бошқаруви, иқтисодий, ижтимоий ва маданий жараёнларда эркин иштирок этиши қафолатланган.

Президентимиз Ислон Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг йигирма икки йиллигига бағишланган танта-

нали маросимдаги табрик сўзида таъкидланганидек, биз энг катта бойлигимиз бўлмиш жамиятимизда ҳукм сураётган миллатлар ва фуқаролар ўртасидаги дўстлик ва аҳиллик, меҳр-оқибат муҳитини мустаҳкамлаш, яқин ва узок қўшниларимиз билан ўзаро ҳурмат ва ҳамжиҳатликни янада кучайтиришни ўзимизнинг энг устувор вазифамиз сифатида кўрамиз.

Жиззах вилоятида 70 дан ортқ миллат ва элат вакиллари истикомат қилади. Уларнинг ҳар бири ўзаро аҳил, тўймаъракалар, турли тадбирларни доимо ҳамжиҳатликда ўтказишади. 6 та миллий маданий марказ фаолияти самарали йўлга қўйилган.

(Давоми 2-бетда).

### КУЧЛИ ДАВЛАТДАН — КУЧЛИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ САРИ

## Фаолик ва ташаббускорлик — тараққиётга муносиб ҳисса

Ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фонди, ушбу Фонд маблағларини бошқариш бўйича Парламент комиссияси, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти, Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси, Адлия вазирлиги ва бошқа бир қатор жамоатчилик ташкилотлари ҳамкорлигида икки кунлик семинар ташкил этилди.

Лойиҳаларнинг ижтимоий аҳамиятини ошириш, грант маблағларининг самарали ва мақсадли ишлатилишини таъминлашнинг долзарб вазифаларига бағишланган тадбирда мамлакатимизнинг барча ҳудудларидан юзга яқин ННТ раҳбарлари — Жамоат фонди

грант танловлари ғолиблари, тегишли вазирлик ва идора вакиллари, миллий ва халқаро экспертлар иштирок этди.

Анъанага айланган бу каби мулоқотлардан кўзланган асосий мақсад ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларига лойи-

ҳаларни амалга ошириш, уларнинг ижтимоий аҳамиятини таъминлашга оид кўникмаларни мустаҳкамлаш, жойлардаги муҳим иқтисодий, ижтимоий, гуманитар масалаларга ечим топишда ижтимоий шерикликни кучайтириш бўйича ҳуқуқий, консалтинг, ташкилий ёрдам кўрсатишдан иборат. Ўз навбатида, бундай учрашувлар нодавлат нотижорат ташкилотлари фаоллиги билан ўзаро ҳамкорлик йўлга қўйиш, фаолиятни ташкил этиш бўйича тажриба алмашиш майдонига айланди.

(Давоми 2-бетда).

## РАҚОБАТБАРДОШ МАҲСУЛОТ — КОРХОНА САЛОҲИЯТИ КЎЗГУСИ

Мамлакатимизда амалга оширилаётган барча ислохотлар, энг аввало, инсон ва унинг манфаатларини таъминлашга хизмат қилмоқда. Бу, айниқса, қўллаб-қувватлашда жажон молиявий-иқтисодий инқирозининг салбий таъсири ҳамон давом этаётган бир пайтда ниятда долзарбдир. Сабаби, уларда бундай офатдан қутулиш мақсадида амалга оширилаётган бир қатор чора-тадбирлар аҳолининг ижтимоий, моддий-маиший шароити оғирлашишига олиб келаяпти.

### ЎЗБЕКИСТОНДА ИШЛАБ ЧИҚАРИЛГАН



Мана шундай мураккаб даврда юрти-мизда иқтисодиётнинг ривожлантириш, халқимиз турмуш фаровонлигини янада юксалтириш йўлида олиб бориллаётган сая-харақатлар ўз натижаларини бериб, ҳақи равишда жажон ҳам-жамияти эътирофига сазовор бўлмоқда. Бу, шубҳасиз, Президентимиз томонидан узокни қўлаб ишлаб чиқилган "Ўзбек модели"нинг ёрқин самараларидир.

Биргина саноат соҳасида олиб бориллаётган ишлар ва қўлга киритилаётган ютуқларни олиб кўрайлик. Чунончи, жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида жаб-ҳада ишлаб чиқариш ҳажми 8,2 фоизга ошди. Бунда "Обод турмуш йили" Давлат дастури асосида рўёбга чиқарилаётган лойиҳалар муҳим аҳамият касб этди. Зеро, шу асосда соҳа тармоқларида таркибий ўзгартиришларни чуқурлаштириш, модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш жараёнлари изчил давом эттирилиб, маҳаллий ишбилармонлар ҳамда хорижий сармоядорларга қўллаб қулайликлар тақдим этилмоқда.

(Давоми 2-бетда).



Жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида саноат тармоқларида ишлаб чиқариш ҳажми

8,2 фоизга ошди.



### КОНСТИТУЦИЯ — МЕНИНГ ТАҚДИРИМДА

"Ҳар бир шахс мулкдор бўлишга ҳақли."

(Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 36-моддасидан).

## Мулкдорликнинг ҳуқуқий кафолати

Истиқлол шарофати билан минглаб юртдошларимиз қаторида тадбиркор бўлдим. Айна пайтда Чўбалончи қишлоғидаги тикувчиликка ихтисослаштирилган хусусий корхонанинг эгасиман. 20 нафар қиз-жувондан иборат жамоамиз эмин-эркин ишлаб, шунга яраша даромад оляпти. Давлатимиз биз, ишбилармонларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаётгани учун қўлимизни қаяққа узатасак етади. Ўзимиз ишлаб чиқарган маҳсулотни ўзимиз сотаямиз. Ҳамкорларимиз етарли. Қисқача айтганда, корхонамизни янада ривожлантириш учун барча шарт-шароит мавжуд. Буларнинг бари мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик раванқи йўлида амалга оширилаётган изчил ислохотлар самарасидир.

Яқинда 50 миллион сўм миқдоридидаги банк кредити эвазига қўшимча 20 та замо-

навий тикув дастгоҳини келтириб ўрнатдик. Натижада ойига ўртача 90 миллион сўмлик 30 турдан ортқ тикувчилик маҳсулотлари тайёрлашга эришаямиз. Шу кунларда эса чеварларимиз учун янги ишлаб чиқариш бисини қуриш ишлари жадал олиб бориляпти. У фойдаланишга топширилган, иш самарадорлиги янада ортади.

Асосий Қонунимиз — Конституциямизда ҳар бир шахс мулкдор бўлишга ҳақли, деб белгилаб қўйилган, хусусий мулк дахлсизлиги кафолатланган экан, бундан кейин ҳам ғайрат-шижоат билан ишлаб, янги-янги лойиҳаларни ҳаятга татбиқ этаверамиз. Зеро, мақсадимиз иқтисодиётимиз раванқи, халқимиз турмуш фаровонлигини таъминлашга баҳоликудрат ҳисса қўшишдир.

Муқаддас ВАИСОВА, Янгибозор туманидаги «Абдулла Кумушой» хусусий корхонаси раҳбари.



Пойтахтимизда жорий йилнинг 19 — 24 октябрь кунлари ўтказилиши мўлжалланаётган "Олтин гепард" Учинчи Ташкент Халқаро кинофоруми олдиндан матбуот анжумани бўлиб ўтди.

### Халқаро кинофорумга тараддуд

Таниқли киношунос ва санъатшунослар, режиссёр ҳамда актёрлар иштирок этган мазкур тадбирда Президентимиз раҳнамолигида юртимизда ёшлар маънавиятини юксалтириш, иждоқлар меҳнатини муносиб рағбатлантириш борасида олиб бориллаётган эзгу ишлар миллий кино санъатимизнинг изчил ривожланишида муҳим омили бўлаётгани таъкидланди.

"Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси ҳамда "Ўзбеккино" Миллий агентлиги ҳамкорлигида 2011 йилда илк бор ўтказилган "Олтин гепард" халқаро кинофоруми истиқлол йилларида миллий кинематографияни ривожлантириш борасида қўлга киритилган ютуқларнинг ўзига хос намоиши бўлиб, томошабинларни миллий ва жажон кино санъатининг энг сара намуналаридан баҳраманд этди. Кинофорум доирасидаги иждоқ анжуманлар, мажорат сабоқлари, премьералар, семинарлар, тақдимотлар юртимиз ва хорижий киноижодкорларнинг ўзаро мулоқот доирасини кенгайтириш, ҳамкорликдаги иждоқ режаларни белгилаб олишда ҳам катта аҳамият касб этди.

(Давоми 3-бетда).



## Академик Алибек РУСТАМОВ

Ўзбекистон илм-фани оғир жудоликка учради. Атоқли тилшунос ва адабиётшунос олим, филология фанлари доктори, академик Алибек Рустамов 82 ёшида вафот этди.



А. Рустамов 1931 йили Тошкент вилоятида хизматчи оиласида туғилди. 1955 йилда Ўрта Осиё давлат университети (ҳозирги Ўзбекистон Миллий университети)нинг филология факультетини тамомлади.

Бўлғуси олим ўз меҳнат фаолиятини 1955 йили Ўзбекистон Фанлар академиясининг Шарқшунослик институтини илмий ходим сифатида бошлади, дастлаб номзодлик, кейинчалик эса докторлик диссертациясини ҳимоя қилди. Ўзбек тили ва адабиётини ҳар томонлама ўрганиш ва тадқиқ этиш борасидаги илмий фаолияти учун 1995 йилда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзоси этиб сайланди.

А. Рустамов ўзининг қарийб 60 йиллик илмий-педагогик фаолияти давомида Ўзбекистон Фанлар академияси Тил ва адабиёт институтининг илмий котиби, Ўзбекистон Миллий университети доценти, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети ҳамда Тошкент давлат шарқшунослик институтининг кафедра мудири ва профессори каби вазифаларда самарали меҳнат қилиб, илм-фанимизни ривожлантириш, юксак малакали филолог кадрлар тайёрлаш ишига муносиб ҳисса қўшди.

Таниқли олимнинг ўзбек филологияси, шарқшунослик, матншунослик ва таржиманшуносликнинг долзарб масалаларига оид монография ва рисоалари, кўплаб илмий-публицистик мақолалари кенг жамоатчиликка яхши маълум. Айниқса, буюк шоир ва мутафаккир Алишер Навоийнинг бебаҳо меросини чуқур ўрганиш, унинг ижодидаги юксак гуманистик гояларни эл-юртимиз ўртасида кенг тарғиб этиш борасида А. Рустамовнинг хизматлари алоҳида эътиборга лойиқ. Устоз олим қаламига мансуб "Навоий тилининг грамматик хусусиятлари", "Навоийнинг бадиий маҳорати", "Сўз ҳақида сўз" сингари китоблар, оммавий ахборот воситаларидаги кўплаб маърифий чиқишлари ўзининг илмий теранлиги ва таъсирчанлиги билан ажралиб туради.

Ёрқин истеъдод ва тафаккур эгаси бўлган захматкаш олим ўз фаолияти мобайнида кўплаб ёшларга устозлик қилди. Унинг бевосита раҳбарлигида ўнлаб фан докторлари ва фан номзодлари тайёрланди.

Академик А. Рустамовнинг мамлакатимиз илм-фанини ривожлантириш борасидаги хизматлари давлатимиз томонидан муносиб тақдирланди. У "Эл-юрт хурмати" ордени билан мукофотланган эди.

Атоқли олим, меҳрибон устоз, самимий ва камтарин инсон Алибек Рустамовнинг ёрқин хотираси қалбларимизда ҳамisha сақланиб қолади.

**И. КАРИМОВ, И. СОБИРОВ, Д. ТОШМУХАМЕДОВА, Ш. МИРЗИЁЕВ, Ш. СОЛИХОВ, Ф. АБДУРАХМОНОВ**

## ҚУЛАЙЛИК

Шу кунгача Сирдарё вилоятидаги солиқ ҳисоботлари топшириш мажбуриятига эга 10241 та корхонанинг 9534 таси электрон рақамли имзога эга бўлди. Бу кўрсаткич ҳудуддаги жами солиқ тўловчи юридик шахсларнинг 93 фоизини ташкил этади.

## Электрон ҳисоботлар афзаллиги

Президентимизнинг 2012 йил 16 июлдаги "Статистик, солиқ, молиявий ҳисоботларни, лицензияланадиган фаолият турларини ва рухсат бериш тартиб-таомилларини тубдан қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонига мувофиқ, айни пайтда солиқ идоралари томонидан 9514 та корхона ҳисоботлари электрон шаклда қабул қилинмоқда. Ариза эгалари эса ушбу ҳужжатларнинг ўтиш жараёнини интерактив кузатиш, аризаларини интернет тармоғи орқали бериш имкониятларига эга бўлишди.

Ланишининг афзалликларини кўп, — дейди Сирдарё вилояти давлат солиқ бошқармаси камерал назорат бўлими бошлиғи Акром Холиқулов. — Бу замонавий тизим туфайли ортқича расмийликлар барҳам топди, лицензия ва рухсат бериш тартиб-таомиллари қисқарди. Муҳими, ҳисобот тизими ва ҳисоботларни тақдим этиш тартиби такомиллаштирилганлиги натижа-сида ишбилармонлик муҳити яхшиланиб, тадбиркорлик субъектлари учун янада қулай шарт-шароитлар яратилди.

**Аҳмадали ШЕРНАЗАРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

## АНЖУМАН

Аҳолини уй-жой билан таъминлаш мамлакатимизда исчи амалга оширилаётган ислохотларнинг асосий йўналишларидан бири ҳисобланади. Шу боис юртимизда бу борадаги ишларга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Қолаверса, жойларда замонавий уйлар барпо этилиши шахар ва қишлоқларимиз қиёфасини тубдан ўзгартириш баробарида, ҳудудлар ижтимоий-иқтисодий инфратузилмасини ривожлантиришга ҳам хизмат қилаётган.

Куни кеча пойтахтимизда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан ўтказилган матбуот анжуманида айни шу жараёнда тижорат банкларининг иш-тироки ҳақида сўз юритилди.

Таъкидландики, сўнгги йилларда республикамиз иқтисодиётида кузатилаётган барқарор ўсиш суръатлари, аҳолининг ижтимоий-иқтисодий шарт-шароитлари тобора яхшиланиб бораётгани уларнинг уй-жойларга бўлган эҳтиёжини ҳам оширмоқда. Бу эса, ўз навбатида, тижорат банкларида ипотека кредитларини бериш ҳажми орттиришга сабаб бўлмоқда. Жорий йилнинг саккиз ойи натижаларига кўра, банкларнинг ипотека кредитлари ҳажми 2 триллион 379 миллиард сўмликни ташкил этгани, миқдорларга янги уй-жой

қуриш, харид қилиш ва қайта таъмирлаш учун 777 миллиард сўм миқдорда кредит ажратилгани ана шундан далolat беради. Шу

## ЗАМОНАВИЙ УЙ-ЖОЙЛАР

**молия муассасалари томонидан ажратилаётган кредитлар туфайли аҳолига имтиёзли шартларда тақдим этилмоқда**

маънода, бугунги кунда уй-жой қурилиши, иқтисодиётнинг мазкур соҳа билан боғлиқ тармоқларини ривожлантириш банклари активлари ва ресурс базасининг муҳим манбаи бўлмоқда. Зотан, мамлакатимизда аҳолининг фаровон турмуш кечиришини таъминлаш юзасидан қўрилаётган чора-тадбирлар нечоғлиқ тўғри эканлигини шу йил баҳор ойида бўлиб ўтган "Замонавий уй-жой қурилиши — қишлоқ жойларини комплекс ривожлантириш ва қиёфасини ўзгартириш ҳамда аҳоли ҳаётининг сифатини яхшилаш омили" мавзусидаги халқаро конференция иштироки

чилари билдирган фикрлар ҳам тасдиқлайди.

Айни пайтда қишлоқ жойларда уй-жойлар қуриш ишлари янада кенг қулоқ ёйган. Яъни республикамизнинг 353 та қишлоқ массивида барча шарт-шароитга эга 1,4 миллион квадрат метрлик 10 мингта уй барпо этилмоқда. Бунинг учун банклар томонидан 1 триллион 385 миллиард сўмдан ортқ маблағ ажратилган.

Бундан ташқари, "Обод турмуш йили" Давлат дастурига мувофиқ тижорат банклари маблағлари эвазига 105 та кўп қаватли тураржой қурилиши жадал давом эттирилмоқда. 2013 — 2015 йилларда фойдаланишга топширилиши мўлжалланган ушбу хонадонлар ипотека кредити орқали уч йиллик имтиёзли давр билан Марказий банкнинг амалдаги қайта молиялаш ставкасидан ортқ бўлмаган миқдорда ёш оилаларга тақдим этилади.

Қисқача айтганда, молия муассасаларининг бундай саъй-ҳаракатлари аҳолининг фаровон ва бахтли ҳаёт кечиришини таъминлашда, уларнинг эртанги кунга бўлган ишончини янада мустаҳкамлашда айни мuddао бўлаётган.

**Дилшод УЛУҒМУРОДОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

## Халқаро кинофорумга тараддуд

(Давоми. Бошланғич 1-бетда).

Тадбирда қайд этилганидек, бу йилги киноанжуманда Австралия, Австрия, Болгария, Бразилия, Боливия, Венгрия, Германия, Перу, Польша, Испания, Франция, Хорватия, Чехия, Швейцария, Хитой, Жанубий Корея, Япония, Эрон каби мамлакатлар вакиллари иштирок этмоқда. Бу галлойдан танлов ва танловдан ташқари дастурларда қатнашиш учун жами 500 дан зиёд тулик ҳамда қисқа метраж, шунингдек, анимацион фильмлар тақдим қилинди. Кинофорум саралаш комиссиясининг якуний ҳулосасига кўра эса 34 та фильм танловда иштирок этадиган бўлди.

Жорий йилги кинофорум "Кўзгу ва тилсимда, акс садо ва мажозий ифодада" деган фалсафий гояни ўзида мужасамлаштиради. Шундан келиб чиқиб, Халқаро кинофорум учун реалистик ва чуқур фалсафий-рамзий мазмунга эга, томошабинни кенг мушоҳадага ундовчи фильмларни танлаб олишга алоҳида эътибор қаратилди. Мазкур гоя жаҳон кино соҳасининг етук вакиллари

томонидан ҳам қўллаб-қувватланди. Айни чоғда нуфузли ҳакамлар ҳайъати тузилди. Унинг таркибида халқаро миқёсда обрў-эътибор қозонган актёр, режиссёр, киношунос ҳамда продюсерлар бор.

— Ушбу санъат анжумани "Art Week Style.Uz — 2013" санъат ҳафталиги доирасидаги энг йирик лойиҳалардан бири бўлганлиги боис, унга алоҳида тайёргарлик кўрилди. — дейди "Олтин гепард" Тошкент халқаро кинофорумининг бош директори, санъатшунос Акбар Ҳақимов. — Кинофорум доирасида минифестиваллар, маҳорат сабоқлари ҳамда ижодий учрашувлар, шунингдек, киношунос мутахассисларнинг йирик халқаро илмий анжумани ўтказилади.

Киноанжуман якунида танлов ҳайъати томонидан саралаб олинган фильмлар "Энг яхши анимацион фильм", "Энг яхши қисқа метраж фильм", "Энг яхши эркак роли", "Энг яхши аёл роли", "Энг яхши режиссура", "Энг яхши тўлиқ метраж фильм" номинациялари бўйича "Олтин гепард" мукофоти билан тақдирланади.

Кинофорум кунларида танловдан ташқари турли дастурлар ҳам тақдим этилади. "Замонавий ўзбек киноси", "Франция фильмлари", "Чехия эртаклари оламида", "Хиндистон киноси" дастурлари, "Томошабин билан ҳамнафас" мавзусида нодавлат студияларда суратга олинган фильмлар намойишлари ана шулар жумласидандир.

Тадбир дастуридан ўрин олган премьералар, танлов доирасидаги ва танловдан ташқари экран асарларининг намойиши, маҳорат сабоқлари, ижодий учрашув ва анжуманлар пойтахтимиздаги Алишер Навоий номидаги кинотеатри, "Premier Hall" кинотеатри, "City Makon" маданият-маърифий кўнгилочар маркази ҳамда бошқа маданият масканларида ўтказилади. Айни пайтда кинофорумга тақдим қилинган фильмлар Самарқанд шаҳрида ҳам намойиш этилиши кўзда тутилган.

**Омонулла ФАЙЗИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

### UZBEKISTAN Infrastructure

## 12–14 noyabr 2013

«O'zbekspomarkaz», Toshkent

<p><b>Avtomobililar, alohovchi qismlar, servis jihozlari</b></p> <p>9-O'zbekiston xalqaro ko'rgazmasi</p>	
<p><b>Transport va logistika</b></p> <p>10-O'zbekiston xalqaro ko'rgazmasi</p>	
<p><b>Yo'l qurilishi va kommunal texnika</b></p> <p>5-O'zbekiston xalqaro ko'rgazmasi</p>	

ITE Uzbekistan Tel.: (+998 71) 113-01-80. Faks: (+998 71) 237-22-72. Facebook.com/ITEUzbekistan.uz E-mail: post@ite-uzbekistan.uz

## «Ўзсаноатқурилишбанк» ОАТБ томонидан стратегик инвесторларга тақлиф

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 18 ноябрдаги «Иқтисодиёт реал сектори корхоналарининг молиявий барқарорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-4053-сонли Фармони ва 2008 йил 19 ноябрдаги «Иқтисодий ноҳор корхоналарни тижорат банкларига сотиш тартибини тасдиқлаш тўғрисида»ги Р-4010-сонли Фармоийинининг ижросини таъминлаш мақсадида «Ўзсаноатқурилишбанк» ОАТБ балансидаги қуйидаги корхоналарда ишлаб чиқаришни тиклаш, стратегик инвесторларга сотиш учун ҳамкорликда ишлашга тақлиф этади:

- «Samarqand Aqua Line» МЧЖ — табиий тоза газланган ва газланмаган сув, табиий шарбат ҳамда консерва маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган.  
**Корхона манзили:** Самарқанд шаҳри, Бобур Мирзо кўчаси, 3-«А» уй.
- «Fergana Ceramics Industry» МЧЖ — чинни буюмлар ва қурилиш материаллари ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган.  
**Корхона манзили:** Фарғона вилояти, Қувасой шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 3-уй.
- «Xorazm shisha idishlari» МЧЖ — шиша идишлар ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган.  
**Корхона манзили:** Хоразм вилояти, Шовот тумани, Ижтимоият қишлоғи.
- «Elite Stars Textile» МЧЖ — пахта толасидан калава ип ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган.  
**Корхона манзили:** Қорақалпоғистон Республикаси, Ҳужайли тумани, Дўстлик кўчаси, 55-уй.

Маълумот олиш учун «Ўзсаноатқурилишбанк» ОАТБ Банк инвестицион фаолиятини мувофиқлаштириш ва мониторинг қилиш департаментининг Ноҳор корхоналар билан ишлаш бошқармасига мурожаат этиш мумкин.  
**Манзил:** Тошкент шаҳри, Шаҳрисабз кўчаси, 3-уй.  
**Телефонлар:** (8-371) 120-36-04, (+998 90) 969-90-98.  
**Факс:** (8-371) 120-45-64, 120-36-29.  
**E-mail:** uzpsbinvest@gmail.com, psbinvest@gmail.com

12308/725

## Реклама ва эълонлар

Газ, сув ва электр таъминоти корхоналари ҳамда бошқа ташкилотлар ва жисмоний шахслар диққатига!

### «КрокусГазСервис» МЧЖ шаклидаги ҚҚ

**Тошкентдаги омбордан қуйидагиларни тақлиф этади:**  
**Москванинг «Газдевайс» заводи маҳсулотлари:**

- «Extra» русумли сув билан иситиш маиший қозонлари (24 Квт, 30 Квт), баҳоси — 2 200 000 сўмдан бошлаб;
- АГАТ G-16 типидagi ультратовушли газ ўлчагичлари;

**бир марта фойдаланиладиган рақамли пломбалар:**

- пломба-наклейкалар (ўлчамлари 60 мм. х 25 мм.);
- ПК-91РХ-3 пластик пломбалари;

**Маҳсулот сертификланган.**  
**Маълумот учун телефонлар:**  
(8-371) 232-21-22, 236-32-66.

12474/531

## «OBIDA RIEL PROFESSIONAL» МЧЖ

бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган оқиқ аукцион савдоларига тақлиф этади.

Аукцион савдосига Қўқон шаҳар СИБ томонидан, ФВХ судининг 2011 йил 23 майдаги 15-1101/12930-сонли ижро варақасига асосан хатланган, «Шарқий ва халқаро давлат аҳамиятидаги автомобиль йўлларини сақлашга ихтисослаштирилган таъмирлаш-фойдаланиш корхонаси»га тегишли, Учкўприк тумани, Қақир санаят зонасида жойлашган 472-сонли йўл бўлими маъмурий бино-иншоотлари қўйилмоқда.  
**Бошланғич баҳоси — 153 367 952 сўм.**  
**Қўриқли эгаллаган майдони — 9951,5 кв.м.**  
Кўчмас мулк билан шахар суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Оқиқ аукцион савдоси 2013 йил 6 ноябрь кунини соат 11.00 да бўлиб ўтади.  
Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризаларни қабул қилиш 2013 йил 4 ноябрь кунини соат 18.00 да тўхтатилади.  
Талабгорлар диққатига! Юқоридаги кўчмас мулк 2013 йил 6 ноябрдаги аукцион савдосида сотилмаган тақдирда, уларни сотиш юзасидан такрорий аукцион савдоси 2013 йил 22 ноябрь кунини соат 11.00 да бўлиб ўтади. Талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдосига бир кун қолганда тўхтатилади. Ушбу оқиқ аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини савдо ташкилотчиси — «OBIDA RIEL PROFESSIONAL» МЧЖнинг ОАТБ «Агробанк» Фарғона филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлаш шарт: 20208000804966256001, МФО: 00495, СТИР: 302256866.  
Аукцион голиби 5 (беш) банк кунидан кечиктирмасдан кўчмас мулк қийматини тўлаши шарт.

**Манзил:** Фарғона вилояти, Фарғона шаҳри, Ал-Фарғоний кўчаси, 60-уй. **Телефон:** (8-595) 400-46-37.

Лицензия № RR-0118.

## Ўзбекистон Республикаси Давлат чегараларини ҳимоя қилиш қўмитаси



**моддий-техник базаси ва етарли иш тажрибасига эга бўлган барча қурилиш ташкилотларини фуқаролик ҳамда мудофая иншоотларини капитал қуриш, таъмирлаш ва реконструкция қилишда қатнашиш учун ҳамкорликка тақлиф этади.**

Ушбу тақлифга қизиқиш билдирган корхона ҳамда ташкилотлар танлов савдосига қўйилаётган бино-иншоотлар қийматининг 20 фоизи миқдоридан кам бўлмаган айланма маблағга эга бўлишлари шарт.  
Маълумот олиш учун (8-371) 241-41-06 телефони орқали соат 18.00 дан 18.00 га қадар мурожаат қилиш ёки тижорат тақлифларини қуйидаги манзилга юбориш мумкин: **Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Абдулла Қодирий кўчаси, 5-«А» уй.**  
**Факс:** (8-371) 244-31-39.

12788/725

2013 йил — ОБОД ТУРМУШ ЙИЛИ



Бунёдкорлик завқи

Пойтахтимиз, шаҳарларимизгина эмас, балки олис туманлар марказлари ва чекка қишлоқлар қиёфаси ҳам янгиланиб, ўзига хос кўркемлик ва маҳобат касб этиб бормоқда. Бунга Самарқанд вилоятининг Ургут, Пастдарғом, Оқдарё, Иштихон, Булунғур, Пайариқ туманларида юз бераётган ўзгаришлар яққол мисол бўла олади.

фанлар бўйича тўғараклар фаолият юритаётгани аниқ мўддао бўлди, — дейди Пайариқ қишлоқ хўжалик касб-хунара коллежи талабаси Дониёр Пулатов. — Дарсдан бўш вақтимизда бу ерга келиб, тўғарак машғулотида билимимизни ошираёلمиз. Бог ёнидаги стадионда футбол, волейбол ва югуриш мусобақаларида қатнашиб чинқайилдик.

Шуниси эътиборга моликки, бог ичига арча, япон софораси, эман каби манзарали дарахт кўчатлари экилди. Замонавий аттракционлар ўрнатилди. Йўлакларга плиткалар терилиб, дарахтлар ораси кўкаламзорлаштирилди. Бог ўртасидаги мусиқали фавора эса ушбу масканга янада файз киритди.

— Мазкур гидройишот ённинг иссиқ кунларида харорат мўтадиллигини таъминлаши билан аҳамиятли, — дейди лойиҳа муаллифи, техника фанлари доктори ўткир Соатов. — Қолаверса, у мусиқа садоларига монанд мавжланади. Фавораларнинг ён-атрофига ўрнатилган замонавий чироқлар эса 27 хил рангда товланади. Тез орада бундай фавора Челақ шаҳридаги истироҳат боғида ҳам қурилади.

Кискача айтганда, шу кунларда Самарқанд вилоятига, хусусан, Пайариқ туманига меҳмон бўлган киши бу ердаги ўзгаришлардан олам-олам завқ олади. Юртимиз равнақи йўлида астойдил меҳнат қилаётган тadbirkору ишбилармонлар томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларга ўз баҳосини беради. Истироҳат боғларида мириқиб дам олаётган, фавора атрофида яйраб-яшнаётган болажонларни, ёшлангларни, пиру бадавлат отахону онажонларни кўриб, кўнгли тоғдек кўтарилди. Бу юртимиздаги осойишталик, фаровонлик, бунёдкорлик ва ободликнинг ёрқин намунаси.

Мамадиёр ЗИЁДИНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Миллий ўйинлар фестивали

Миллий ўйинларнинг ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш, уларни спортга ошно қилишда ўзига хос таъсири бор.

ТАДБИР

Бухоро шаҳридаги марказий маданият ва истироҳат боғида ташкиллаштирилган «Миллий ўйинларимиз — бекиёс бойлигимиз» шиори остидаги фестивалда бу яна бир қарра ўз тасдиғини топди. Вилоят маданият ва спорт ишлари бошқармаси ҳамда бир қатор ташкилотлар ҳамкорлигида ўтказилган мазкур тadbирда ўғил-қизлар миллий кураш, «Хўроз уриштириш», «Оқ теракми, кўк теракми» каби қадимий ўйинлар бўйича ўз кучларини синаб кўришди.

Яқинда фестиваль Гран-приси Бухоро шаҳри терма жамоасига насиб этди. «Тумарис» йўналиши голиблигини ҳам шу жамоа кўлга киритди. «Алпомиш» номинациясида эса Қоракўл тумани полвонлари голиб чиқдилар.

Истам ИБРОҲИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

БИЗ ВА ЖАҲОН

Яқинда Деҳлида «Ўзбекистон маданияти кунлари» бўлиб ўтди. Мамлакатимизнинг Ҳиндистондаги элчихонаси ташаббуси билан ташкил этилган ушбу тadbирнинг очилиш маросимида Ҳиндистоннинг ижтимоий-маданий, савдо-иқтисодий, эксперт-таҳлил доиралари вакиллари, Деҳлида аккредитациядан ўтган хорижий давлатлар дипломатия ваколатхоналари вакиллари ҳамда журналистлар қатнашди.

Деҳлида Ўзбекистон маданияти кунлари

Ҳиндистондаги етакчи ўқув масканларидан бири — «Сарасвати» мусиқа ва тасвирий санъат коллежида ўтказилган ўзбек мусиқаси ҳамда рақс кечаси «Ўзбекистон маданияти кунлари» доирасидаги илк тadbир бўлди. Ўзбекистоннинг Деҳлидаги дипломатия ваколатхонаси раҳбари кечани очар экан, 2013 йил мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро алоқаларнинг кенгайиб бораётганини акс эттирадиган воқеаларга бой тарзда кечаётганини алоҳида таъкидлади.

У, хусусан, Ўзбекистон Президенти Исроил Каримовнинг 2011 йил май ойида Ҳиндистонга буюрган давлат ташрифи чоғида эришилган муҳим келишувлар руҳида икки мамлакат ўртасида узоқ муддатли ва кўп қиррали ҳамкорлик тобора юксалиб бораётганини қайд этди.

Яқинда Самарқанд шаҳрида ўтказилган «Шарқ тароналари» IX халқаро мусиқа фестивалида Рашид Агарвал хоним бошчилигидаги ҳинд санъаткорлари тadbирнинг бош

соврини — Гран-при соҳиби бўлгани алоҳида тилга олинди.

Тadbирда сўзга чиққан «Ҳиндистон — МДХ» савдо-саноат палатаси ҳамраиси, доктор Б. Мадхукар ҳинд диёрида ўзбек маданияти ва санъатига доимо катта қизиқиш билан қараб келингани хусусида тўхталар экан, бу асрлар давомида икки халқ ўртасида яқин маданий алоқалар мавжуд бўлганидан далолат беришини айтди.

«Ўзбек халқ кўшиқларини кўп тинглаганимиз, миллий рақсларидан баҳраманд бўлганимизки, уларнинг ўзига хослиги, мукамаллиги ва гўзаллигидан завқ-шавқ туйиб, хайратга тушганимиз сира ёдимиздан чиқмайди», деди у.

Шуни ҳам таъкидлаш жоизки, Ўзбекистондан келган таникли хонанда ҳамда рақосаларнинг ўзбек халқ кўшиқлари ва рақсларидан ташкил топган маданий дастури намойиши тadbирга алоҳида шуқу бағишлади.

«Ўзбекистон маданияти кунлари» доирасида Деҳлидаги машҳур «Барка» ресторанида ўзбек таомлари фестивали ҳам ўтказилди. Унда Деҳли шаҳри аҳолиси ва меҳмонлари ўзбек халқ пазандчилиги, яъни таом тайёрлаш ва уни дастурхонга тортиш маданияти билан яқиндан танидилар. Уч кун давом этган ушбу тadbирда палов, кабоб, манти, лағмон, чучвара каби ўнга яқин миллий таомлар ўзбек ошпазлари томонидан тайёрланди.

Ўзбек таомлари фестивалининг айрим қатнашчилари тadbирдан орттирган таассуротларини ўртоқлашдилар.

— Мен Ўзбекистонда бир неча марта бўлганман, — деди «Central Asia Tours» сайёҳлик компанияси раҳбари М. Кхурама. — Сафарларим чоғида ўзбек миллий таомларини кўп тановул қилганман. Ўзбекларнинг шоҳтаоми — паловни бугун Деҳлида татиб кўрганимдан хурсандман.

Бизга ўзбек таомларининг тайёрлаши жараёни ҳам намойиш қилинди. Манти, чучвара сингари хамир овқатларнинг пиширилиш босқичларини кузатиб, хайратга тушдик. Ўзбек ошонасида аксарият таомлар санъаткорона, ўта моҳирлик билан тайёрланиши кўпчилигимиз учун янгилик бўлди. Бу ерда кўрганларимиз асосида Ўзбекистонга саёҳат қилишни режалаштирган Ҳиндистонлик сайёҳларга қандай ўзбек таомларини тавсия этишни энди яна ҳам ахшироқ билиб олдик.

«Жаҳон» АА. Деҳли

Зотан, ушбу туманларда амалга оширилаётган ишлар худуд инфратузилмаси, аҳоли турмушини яхшилаб, одамларнинг эртанги кунга бўлган ишончини тобора мустаҳкамлапти. Хусусан, Ургут ту-

Шунингдек, туман марказидаги истироҳат боғида кенг кўламли бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари амалга оширилган, ушбу маскан янада кўркем чинқайилди. Бог ичига арча, япон софораси, эман каби манзарали дарахт кўчатлари экилди. Замонавий аттракционлар ўрнатилди. Йўлакларга плиткалар терилиб, дарахтлар ораси кўкаламзорлаштирилди. Бог ўртасидаги мусиқали фавора эса ушбу масканга янада файз киритди.



Алишер ИСРОИЛОВ (ЎзА) олган суратлар.

мани марказида қад ростлаган замонавий истироҳат боғи, Иштихонда ишга туширилган кўплаб маиший хизмат кўрсатиш ва савдо шохбчалари, Оқдарё туманида намунавий лойиҳалар асосида бунёд этилган уй-жойлар ҳар бир кишига қувонч ва гурур бағишлайди.

Сиз бино туман ҳокимлиги ҳузуридаги Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссия ҳамда туман прокуратураси ташаббуси билан таъмирланиб, «Ёшлар маркази»га айлантирилди. — Ушбу марказда биз, ёшлар учун барча шарт-шароит яратилгани, турли

Обод гўшалар ҳақида сўз кетганда, Пайариқ тумани маркази ва Челақ шаҳрида амалга оширилган бунёдкорлик ишларига алоҳида тўхталмоқ жоиз. Негаки, кейинги бир-икки йил ичида бу ерда кўплаб мажмуалар, илғор ишлаб чиқариш объектлари барпо этилди. Беш километр автомобиль йўли хомийлар маблағи ҳисобидан таъмирланди.

Кискача айтганда, шу кунларда Самарқанд вилоятига, хусусан, Пайариқ туманига меҳмон бўлган киши бу ердаги ўзгаришлардан олам-олам завқ олади. Юртимиз равнақи йўлида астойдил меҳнат қилаётган тadbirkору ишбилармонлар томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларга ўз баҳосини беради. Истироҳат боғларида мириқиб дам олаётган, фавора атрофида яйраб-яшнаётган болажонларни, ёшлангларни, пиру бадавлат отахону онажонларни кўриб, кўнгли тоғдек кўтарилди. Бу юртимиздаги осойишталик, фаровонлик, бунёдкорлик ва ободликнинг ёрқин намунаси.

Мамадиёр ЗИЁДИНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Реклама ва эълонлар

**«ELEKTRON XISOVLAGICH»**

Ўзбекистон — Ҳитой кўшма корхонаси

барча тоифадаги истеъмолчилар учун турли модификациядаги электр қувватининг бир ва уч фазали электрон ҳисоблагичларини ишлаб чиқаради.

Ҳисоблагичлардан автоном тарзда ёки электр қувватини тижорий ҳисобга олиш автоматлаштирилган тизими (АСКУЭ) таркибига дастлаб белгиланган дастурга мувофиқ, истеъмол қилинган электр қуввати ҳақида маълумотлар йиғиш мақсадида фойдаланилади.

Ишлаб чиқарувчилар нархларида сотилади.

МАХСУЛОТ СЕРТИФИКАТЛАНГАН

www.uzexel.uz Тел./факс: (8-371) 291-53-36. Тел.: (8-371) 291-79-01, 299-86-95.

Тошкент шаҳридаги Сингапур менежментни ривожлантириш институти

2013 йил 11 октябрда

Тошкент шаҳридаги Сингапур менежментни ривожлантириш институти битирувчилари учун таптанали тақдимот маросимини ўтказади.

Ишончимиз қомилки, бу қалдирғочлар Ватанимиз равнақи йўлида самарали меҳнат қилиб, жамиятимиз тараққиётига муносиб ҳисса қўшадилар.

Битирувчилар ҳамда уларнинг ота-оналарини сидқидилдан қутлаймиз!

MDIS Tashkent Management Development Institute of Singapore

Омадли келажакка биз билан эришинг!

Хизматлар лицензияланган.

ИНТИЛИШ

Бугунги кунда Нурота тумани хунармандлари томонидан тайёрланаётган 22 турдаги каштачилик маҳсулотлари экспортга чиқарилмоқда.

Нурота каштаси довруғи

Гулнора Ўролова ҳам ана шундай моҳир каштадўзлардан бири. Яқинда у интернетда ўз сайтини яратди. Сайтида Нурота каштачилигининг тарихи, бугунги кунга қадар сақланиб келаётган ноёб турлари ҳақида уч тилда маълумотлар жамланган.

— Кашталаримиз, хусусан, сўзананинг босма, кандахиёл, хомдўзи, ироқи, бодом, қалампир ва анорнусха каби турлари хорижликлар эътиборига тушяпти, — дейди Гулнора Ўролова. — Бу эса буюртмаларимиз тобора кўпайишига сабаб бўлапти.

Эътиборлиси, аниқ пайта Нурота туманида 135 нафар хунарманд фаолият кўрсатмоқда. Яқинда вилоят «Хунарманд» уюшмаси томонидан тумандаги 6 та маҳаллага адрас тўқиш дастгоҳи келтириб ўрнатилди. Бу эса ўнлаб хотин-қизлар бандлигини таъминлашга хизмат қилди.

Азамат ЗАРИПОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

**XALQ BANKI**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ-ТИЖОРАТ ХАЛҚ БАНКИ БОШҚАРУВИ

«Лаҳзада Омад» лаҳзали, пул ютуқли лотерея билетлари тўлиқ сотиб тугатилганлигини маълум қилади.

Мазкур лотерея билетлари бўйича ютук чиққан билет эгалари ютукни олиш учун эълон чоп этилган кундан бошлаб 4 (тўрт) ой муддатда Халқ банки филиалларига мурожаат қилишлари мумкин.

Ушбу муддат тугагандан сўнг ютукли лотерея билетлари ўз кучини йўқотади ва тўловга қабул қилинмайди.

**C and H Industry** Construction Equipment & Service

Иностранное предприятие ООО «C and H Industry» предлагает

**ДОРОЖНО-СТРОИТЕЛЬНУЮ ТЕХНИКУ**

Под заказ.

Адрес: г. Ташкент, 100015, Мирабадский р-н, ул. Айбека, 38 «А», бизнес-центр «Авалон», 2-й этаж.

Тел./факс (+99871) 252-50-03, моб.: (+99893) 398-07-33, (+99890) 906-54-85.

E-mail: uzvolvo@gmail.com

**ЭЪЛОНЛАР** КАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

9.00 дан 18.00 гача

232-11-15, 236-09-25.

E-mail: reklama@xs.uz

**Халқ сўзи** Народное слово

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1054. 76 496 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР: Девонхона 233-52-55; Котибият 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.

Тахририятга келган кўлэмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Реклама материаллари учун тахририят жавобгар эмас.

Газета тахририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бемуратов томонидан саҳифаланди.

• МАНЗИЛИМИЗ: 100000. Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов. Навбатчи муҳаррир — Ф. Бўтаев. Навбатчи — З. Худойшукров. Мусахҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 20.25 Топширилди — 21.25 1 2 3 4 5